

Бухоро Республикасида солиқ сиёсати ва миллий кадрлар муаммоси

Раҳмонов К.Ж. - БухДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920-1924 йиллар)да солиқлар ундириш тартиби қандай бўлган эди? Солиқлар моҳиятини 5 миллионли республика аҳолиси қандай тушунган? Солиқ сиёсати юритишдан мақсад нима бўлган эди? Қай тартибда ва қанча миқдорда аҳолидан солиқлар олинган?- деган саволлар кўпчилиكنи қизиқтириши табиий.

Бухоро Республикаси матбуот органи бўлган «Бухоро ахбори» газетасининг 1920-1923 йилларда чоп этилган ўнлаб сонларида солиқ ва солиқ сиёсати билан боғлиқ йирик мақола ва хабарлар эълон қилинган. Бу масалада меҳнат шўроси нозири Қори Йўлдош Пўлатовнинг «Доҳилий қарзга ёзилингиз», «Муҳим вазифамиз», «Бугунги вазифамиз», «Порахўрлик билан кураш», «Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?» «Солиқ ҳақида бир-икки сўз», матбаачи ва ношир Саид Аҳрорийнинг «Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун», матбаачи ва олим А. Лазизнинг «Иқтисодий ишларимиз», ҳукумат бошлиғи Ф.Хўжаевнинг «Молия масаласи ва янги солиқлар», «Солиқ масаласи» каби мақолалари чоп этилган.

Шуниси қизиқарлики, Бухоро Республикаси эълон қилинганидан кейин мамлакат аҳволи ачинарли бўлганлиги, халқнинг моддий турмуш даражасининг пастлиги туфайли сурункасига икки йил давомида ҳукумат умуман аҳолидан солиқ олмаган.

Бухоро Республикасининг молиявий аҳволи ўша пайтда 1923 йилга қадар халқни ҳар қандай солиқдан озод қилиб, қоғоз пул чиқариш эвазига ўнгланиб турилган. Лекин икки йил давомида ҳукумат ихтиёрида бўлган маблағ тугаб, учинчи йили республика иқтисодий аҳволи оғирлашиб, халққа солиқ солиш сиёсати юритилган. Бу албатта, кишиларни «бу ҳукумат ҳам амирлик ҳукуматидан қолишмайди», «солиқ менга кўп тушган» каби турли-туман

фикрларга келишига сабаб бўлган. Маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро Республикаси ҳукумати аҳолига ушр, закот сингари солиқлар солади. Бу солиқлар миқдори унча катта бўлмаса-да, икки йил солиқсиз яшаб келган халқ учун елкасидаги юк эди. Юқоридаги солиқлар миқдори умумий даромад юз фоиз бўлса, ундан 10 фоиз, камбағал оилалардан эса 2,5 фоиз миқдорида қилиб белгиланган.

Бундай вазиятда аҳолига матбуот орқали солиқ солишдан мақсад нима эканлигини оддий ва жўн қилиб тушунтириш керак эди. Бу ҳақда Қори Йўлдош Пўлатов: «Ҳозирги ҳукумат солиқни ўзининг сафоси учун йиғмасдан, балки халқни ўқитмоқ, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни таъмир этмоқ, турли касалликлар билан курашмоқ, халқ хўжалигини ислоҳ қилмоқ, юртни иқтисодий турмушини кўтармоқ, халқни тинчлигини муҳофаза этмоқ каби олий мақсадлар учун йиғнайду», - деб ёзади.

Юқоридаги фикр ҳукуматнинг солиқ сиёсати моҳиятини очиб берган. Ўз юртини севган ва тараққий қилишини истаган ҳар бир инсон солиқни юрт ва ҳукумат ҳақи деб уйлаши зарурлиги таъкидланади.

Ўз тарихининг учинчи йилида Бухоро Республикаси 5 фоизлик заём чиқариб, уни халққа сотади. Республика хайрли ишларини тўғри англаган аҳолининг катта қисми заёмларни сотиб олади. Натижада 70 минг олтин сўм миқдорида халқ маблағи тўпланди. Ҳақиқатан ҳам халқдан тушган маблағ ўша 1923 йилдаёқ Бухорода Университет очиш ҳаракати бошланишига туртки бўлган эди. Лекин давлат бюджетидаги тақчиллик, ҳукумат идораларининг сарф-ҳаражатлари ўшанда бу улуғ орзунинг ҳосил бўлишига монеълик қилган.

Бухоро Республикаси ҳукуматининг молия нозирлиги ҳузурида молия ва солиқ раҳбарлари етиштириш учун махсус курслар ташкил қилинган. Ушбу курсларда таҳсил олган ўқувчилар идора тузилишида фаолият олиб бориб, виждонан ишлашга қасамёд қилишган.

Бухоро Республикасида солиқ назорати бўлимида фаолият кўрсатувчиларнинг ҳалоллиги ва ўз вазифасига ҳар қандай қинғирликлардан ҳоли бўлган ҳолда муносабатда бўлиши мамлакат тақдири сифатида қаралган.

Лекин ота-боболарда «гурунч курмаксиз бўлмайди», «гўшт суяксиз бўлмайди» деган ҳикматомуз нақллар бор. Ўша давр ёзма манбалари билан танишар эканмиз, солиқ тизимида ишлайдиган мутахассисларга ўша пайтда 700 танга ойлик белгиланганига қарамай, ўз ишини рисоладагидек бажармаганлар ҳам танқид тиғи остига олинган.

Саид Аҳрорий 1923 йилда ёзган мақоласида: «Мен бу кун уларда (молия ва солиқ назорати раҳбарларида) ихтисосига садоқат ва фидойийлик эмас, оқчага таъма кўраман», деб ёзса, Қори Йўлдош Пўлатов ўша йилдаги мақолаларидан бирида: «Солиқ маъмурларимизнинг солиқ тенг ярмини ҳукуматга бериб, ярмини ўз чўнтакларида қолдирғонликлари ёки пора олиб, кўп кишиларни солиқдан тамоман озод қилганликлари ҳақида маълумотлар йўқ эмасдур»,-деб фикр билдиради.

Бухоро Республикасида бундай нохуш ҳолатлар амирлик давридаги бошқарувдан асорат эканлиги «Бухоро ахбори»даги мақолаларда қайта-қайта таъкидланади.

Ҳозир эса биз истиқлолимиз тараққиётига номувофикроқ ҳолатга дуч келсак, бу совет даврининг асорати деб айтишга одатланганмиз. Бизнингча, барча гуноҳларни ўтмишга тўнкаб, ўзини соф ва тоза деб аташ ҳам тарих ҳақиқатидан бир қадар чекинишдир.

Совет ҳукумати даврида жамият аъзоларининг мол-мулкка эга бўлиши ва шахсий бойлик тўплаши ўз иқтидори ва салоҳиятини ишга солиб бадавлат кишига айланиш имкониятлари чегаралаб қўйилган эди. Камбағаллик фахр ва мағрурлик белгиси сифатида баҳоланарди. Иккитадан ортиқ майда туёқли моллар сақлаганларга қўшимча солиқлар солинарди. Минг шукрки, истиқлолимиз туфайли барчага тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиш, истаганча кўчмас мулкка ва шахсий бойликка эга бўлиш имконияти яратилди.